

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Норов Ихтиёр Бахтиёрович

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Тингловчиси

Республикада акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув стандартларини жорий этишга, корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишга бўлган масъулиятни сезмоқдалар. Аммо, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув стандартларини жорий қилишда қўйилаётган камчиликлар, акциядорлик қонунчилиги доирасида ҳуқуқий базани такомиллаштириш эҳтиёжи, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш мезонларини қўллашдаги қийинчиликлар тўлақонли корпоратив бошқарув стандартларини татбиқ қилиш имконини бермаяпти. Айниқса, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун илмий жиҳатдан мустаҳкам методологиянинг етишмаслиги корпоратив стандартларга риоя қилиш зарурлигини тушунишни қийинлаштиради. Бундан ташқари, акциядорлар ва ижроия органлари ўртасидаги муносабатларнинг акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини оширишдаги муаммоси ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Профессонал бошқарувчиларнинг салоҳиятини етарли эмаслиги, бошқарувда назоратнинг йўқлиги муаммоси, хорижий компанияларнинг интеграциялашуви, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ташқи бозорларга чиқиш ва шу кабилар учун жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Республикада олиб борилаётган кенг исолоҳотлар мамлакатда ижтимоий йўналишларидан бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуришга қаратилган бўлиб, уларнинг асосий негизда тез суръатларда ривожланаётган турли мулкчилик шаклларидаги корпоратив тузилмалар туради. Уларнинг самарали фаолияти кўп жиҳатдан корпоратив бошқарув муносабатлар тизими ривожланишига бевосита боғлиқлиги сабабли ҳозирда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими

такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга .

Иқтисодиётнинг корпоратив секторининг алоҳида ўрни мавжудлиги билан бир қаторда ушбу мулкчилик шаклининг ривожланиши жараёнида айрим муаммолар мавжудки, уларнинг ҳал этилиши нафақат соҳанинг тараққиёти учун, балки иқтисодиёт барқарорлиги учун ҳам аҳамиятлидир.


Акциядорлик жамиятлари (АЖ)лари фаолиятини самарали ташкил этиш мамлакат молия тизими барқарорлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки АЖлари молияси (корпоратив молия) давлат бюджети даромадларининг ўз вақтида ва тўлиқ шаклланишида, уй хўжаликларининг доимий даромад манбасига эга бўлишларида, ташқи савдо муносабатларида, молия-кредит муассасаларининг барқарор ишлашида ўзига хос воситачи вазифасини ўтайди. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда корпоратив молиявий муносабатлар самарадорлигини

оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. АЖлари фаолият самарадорлиги бевосита олинган фойда ва акциядорларга тўланаётган дивиденд миқдори билан белгиланишидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда дивиденд сиёсатининг ташкилий хусусиятлари ва такомиллаштириш масалалари хусусида қуйида тўхталиб ўтамиз.

Мамлакатимиздаги АЖларида дивиденд сиёсати 2014 йил 6 майда янги таҳрирда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун асосида ташкил этилади. Мазкур қонунга кўра “Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт”.

Дивиденд сиёсатидаги асосий муаммо олинган фойданинг акциядорлар ўртасида дивиденд кўринишида тўланадиган қисми ва фойданинг бизнесни янада ривожлантириш учун йўналтириладиган қисми ўртасидаги оптимал нисбатни белгилаш бўйича қарор қабул қилишнинг мураккаблиги билан изоҳланади.

Дивиденд сиёсатининг оқилона юритилиши ўз навбатида АЖлари фаолиятида қуйидагиларга имкон беради



1-расм. Оқилона дивиденд сиёсати орқали эришиш мумкин бўлган натижалар

Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда аксарият йирик акциядорлик жамиятларида корпоратив маданият ривожланиб бораётган бошлсада, уларни жамият ҳаётига таъсирчанлиги сезиларли эмасдир. Корпоратив маданиятни ривожлантириш орқали нафақат компания нуфўзи кўтарилишига эришилади, балки, унинг акциядорлари, менежерлари ва меҳнат жамоаси аъзолари ўртасидаги ихтилофлар ҳам бартараф этилади, соғлом муҳитнинг вужудга келиши улар тараққиётининг бош омилига айланади.

Юқоридаги маълумотларини кенгроқ баён этган ҳолда қуйидагиларни алоҳида

таъкидлашимиз лозим:

Биринчидан, АЖлари томонидан дивиденд тўловларининг доимий равишда амалга оширилиши АЖининг инвестицион жозибадорлигига хизмат қилади. Бундай ҳолатда корпоратив облигация муомалага чиқариш ёки банк кредитлари жалб қилишга нисбатан қўшимча акция эмиссияси ҳисобига молиявий ресурс жалб қилиш нисбатан кам харажат талаб қилади. Чунки мунтазам дивиденд тўловларининг амалга оширилаётганлигининг ўзи инвесторнинг қизиқишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бир вақтда дивиденд сиёсатинг оқилона юритилиши ҳам маълум даражада мазкур вазифанинг бажарилишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Чунки дивиденд кўринишидаги даромадларга қизиқтириш орқали аҳоли кўлидаги бўш пул маблақларини АЖлари фаолиятини кенгайтириш мақсадида жалб қилиш мумкин. Бунинг натижасида ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши билан бир вақтда аҳоли даромадларининг ҳам мунтазам ўсиб боришига эришилади.

Учинчидан, бугунги кунда АЖлари фаолиятини молиялаштиришда миллий молия бозорларидан капитал жалб қилиш билан бир вақтда халқаро молия бозорларидан капитал жалб қилиш амалиёти ҳам халқаро амалиётда кенг қўлланилмоқда. Бунда акцияларни халқаро фонд биржаларида очиқ обуна тарзида жойлаштириш (ИПО) орқали хорижий капитални жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. АЖлари томонидан ИПО ўтказиш учун эса йиллаб тайёргарлик кўрилади, потенциал инвесторлар олдида бориб тақдимотлар ўтказилади. Тақдимотлар жараёнида инвесторни қизиқтирадиган энг асосий жиҳатлардан бири эса бевосита акция даромадлиги кўрсаткичидир. Шу боисдан оқилона дивиденд сиёсатини юритиб бориш ўз навбатида акцияларни халқаро фонд биржаларига олиб чиқиш учун асос вазифасини бажаради, дея оламиз.

Бизнинг фикримизча, бундай муаммоларнинг вужудга келишини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: акциядорлик жамиятлари молиявий хо„жалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ошкора эълон қилинмаслиги; молиявий бозорлар ахборот инфратузилмасининг ётарли даражада ривожланмаганлиги; амалдаги молиявий ҳисоб тизими ва молиявий ҳисоботлардаги мавжуд маълумотлардан кенг инвесторлар жамоатчилигининг фойдаланишлари билан боғлиқ муаммолар.

Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги маълумотларини инвесторларга тўлақонли ва ўз вақтида етказилиши уларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, акциялар ва улар бўйича тўланадиган дивидендлар тўғрисида кенг инвесторлар томонидан ётарли маълумотларни олишлари учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозалари иловаларига мувофиқ битта акцияга тўғри келадиган даромадлилик ҳисоботини амалдаги молиявий ҳисоботларга илова шаклида киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу

ўз навбатида, мавжуд инвесторларнинг қонунда белгиланган акциялари бўйича номулккий ҳуқуқий ҳисобланувчи ахборот олиш ҳуқуқининг самарали ижросини таъминлайди.

Шунингдек, мавжуд молиявий ҳисоботларнинг такомиллашуви корпоратив бошқарувнинг функционал элементи бўлган корпоратив назоратнинг маълумотлар базаси яхшиланишига олиб келади. Маълумки, ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда акциядорлик жамиятлари бизнес қийматини баҳолаш ва корпоратив назоратни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларида ўзлуксиз эълон қилинадиган холис рейтинг агентликлари ахборотлари муҳим ўрин тўтади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон” 2014 й.
 2. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 2014-йил 6-май.
 3. Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни. 2001-йил 06 декабрь.
 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари”ги Фармони. 2015-йил 24- апрел. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 феврал.28 (6722)-сон
 5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5630-сон Фармони
 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон Фармони.
 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги “Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6167-сон Фармони.
 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ5614-сон Фармони
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4112-сон қарори